



Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига қарши фишинг ва жосусларга қарши ҳужумларнинг янги акцияси

Amnesty International ташкилотининг янги тадқиқоди натижасида маълум бўлишича, ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар электрон почта орқали фишинг, ҳамда Виндовс ва Андроид жосуслик дастурларидан фойдаланган рақамли ҳужумлар таҳтиди остидалар.


Бугун эълон қилинган янги ҳисоботда сохта вебсайтлар ва қонуний дастурий таъминотга ўрнатилган Андроид жосуслик дастурлари ёрдамида зарарли электрон почта хабарлари кампанияси тасвирланган. Ушбу кампания 2019 йилнинг май ва август ойлари орасида фаол бўлиб, ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини нишонга олди. Ушбу ҳужумлар ортида турган шахс ёки гуруҳ кимлиги номаълум бўлгани ҳолда, бу кампания [Amnesty International томонидан 2017](#) йилда ёритилган ўзбекистонлик фаоллар ва журналистларга нисбатан кенг кўламли рақамли ҳужумларнинг тоифисини акс этади.

Фишингнинг янги усуллари

Фишинг нима?

Маълумот фишинги “Парол ўғирлаш”) Gmail ёки Facebook каби онлайн хизматининг кириш қисмига тақлид қилувчи вебсайтлар яратишни ўз ичига олиб, жабрланувчини жалб қилиш орқали унинг фойдаланувчи номи ва пароллар ҳамда ҳисоб маълумотларини бузғунчиларга етказиш.

Бизнинг тадқиқот шуни кўрсатадики, бу тажовузкор гўёки Google ёки Mail.ru хизматларидан келган сохта огохлантириш юбориб, мазкур вебсайтларнинг аслига тақлид қилган вебсайтга хавола (линк) юборган. Amnesty International ушбу ҳужумга учраганларнинг қисман рўйхатини аниқлади ва бир неча ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар нишонга олинганлар орасида эканлигини тасдиқлади.



Тажовузкорлар томонидан юборилган фишинг электрон почта скриншоти.

Олдинги кампанияларда тажовузорлар ҳақиқий вебсайтларнинг сохта нусхасини яратган (клонлаган) ва шахсий маълумотларни шу йўл орқали ўғирлаш учун ишлатган. Энди эса бизнинг сўнгги ҳисоботимиз шуни кўрсатадики, охириги ҳужумлар икки факторли аутентификациянинг (2ФА) турли шакллари четлаб ўтиш учун фишинг сайти ва ҳақиқий вебсайт орасида юз берадиган “сессиявий ўғирлик” деб номланган янада ривожланган усулдан фойдаланишни бошлади.


Икки факторли аутентификация (2ФА) нима?

Икки факторли аутентификация (кўпинча 2ФА деб номланади) паролга қўшимча аутентификациянинг иккинчи воситасини англатади. Масалан, СМС орқали юборилган вақтинчалик код, смартфон иловаси томонидан берилган вақтинчалик код (Free OTP ёки Google Authenticator каби) ва ускуна хавфсизлиги калити (масалан, Yubikey ёки Solo Key.) иккинчи факторлар ҳисобланади.

Биз тажовузорлар томонидан қўлланилган ушбу техникани биринчи мартаба кузатмоқдамиз ва бу ҳолат сўнгги ҳисоботларда, жумладан, 2018 йил декабр ойидаги “[Энг яхши тажриба ҳам етарли бўлмаса](#)” деб номланган олдинги ҳисоботимизда берган тавсияларимизни татбиқ қилиш лозимлигини тасдиқлайди. Мазкур ҳисоботда биз хавфсизлик калитлари каби ҳисобларни ҳимоя қилиш бўйича янада кучлироқ чораларни кўришга чақирган эдик.

Андроид ва Виндовс жосуслик дастурлари

Ушбу текширув шунингдек, тажовузор Виндовс ва Андроид жосуслик дастурларини ишлаб чиққанини кўрсатмоқда. Виндовс жосуслик дастури Telegram Desktop ёки Adobe Flash Player каби ҳаққоний дастурларни ўрнатувчи файллар орасига яширилган бўлиб, мазкур дастурларни ўрнатиш билан бирга жосуслик дастури ўрнатилади. Мазкур дастур ўрнатилганидан сўнг паролларни ўғирлайди, босилган тугмаларни ёзиб беради ва иш столининг муайян ҳолда расмларини олади.



Жосуслик дастурини ўрнатиш учун ўзгартирилган Telegram Desktop ўрнатувчисининг скриншоти

Андроид жосуслик дастури бир неча йил олдин уни ишлаб чиқарувчиси томонидан тўхтатилган Droid-Watcher деб номланган очик манбали воситанинг эволюцияси. Бу дастур тажовузкорга хужум қилинган Андроид телефонини масофадан туриб Вконтакте, Телеграм ёки Ватсап каби чат дастурларидан телефон қўнғироқлари, матнли хабарлар ва хабарларни ёзиб олиш орқали кузатиб бориш имкониятини беради. Шунингдек, у телефоннинг ҳар қандай вақтда қаерда жойлашганини аниқлаши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари учун рақамли хавфсизлик

Ушбу ҳисобот инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига қарши интернетда ортиб бораётган таҳдидларнинг яна бир намунаси. Унда хужум тактикалари орасида маълумотлар фишинги устуворлиги ва икки факторли аутентификациянинг турли шаклларини четлаб ўтишда тажовузкорларнинг қобилияти ривожланаётгани таъқидланади.

Amnesty International шу каби хужумларни 2018 йил декабр ойида аниқлади. Ушбу сўнги ҳисобот рақамли хавфсизлик борасида инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига нисбатан тобора ортиб бораётган босим ҳақида эслатмадир. Бугунги кунда, шахсий маълумотларнинг фишингига қарши хужумлардан энг ишончли ҳимоя бу аппарат хавфсизлиги калитлари (масалан, Yubikey ёки Solo Key).



Икки хил аппарат токенлари: [SoloKeys](#) ва [Yubikeys](#)

Агар Сиз фойдаланадиган электрон почта ёки ижтимоий тармоқ хизмати аппарат хавфсизлиги калитларини қўллаб-қувватламаса, гарчи унчалик ишончли бўлмаса-да, бошқа икки факторли аутентификация шакллари, ҳеч бўлмаганда тасодифий жосусликнинг ва паролнингизнинг қайта ишлатилишининг олдини олиш учун зарур бўлган асосий чоралар ҳисобланади.

Агар Сиз фишинг ва ундан қандай ҳимояланиш ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлсангиз, [“Чегарасиз хавфсизлик”нинг фишинг бўйича қўлланмасига мурожаат қилинг.](#)

Назорат: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари доимий хавф остида

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишлари, жумладан хавфсизлик кучлари томонидан доимий равишда қийноққа солиниш ва ўзбошимчалик билан хибсга олиниш [Amnesty International](#) томонидан ҳужжатлаштирган. [Яқинда адлия тизимида амалга оширилган ислохотлар ва қийноқлар сабабли маълуму машҳур бўлган ҳибсхоналарнинг ёпилишига қарамай](#), -ўтмишдаги суистеъмоллар жазосиз қолмоқда. Ҳозирда мустақил оммавий ахборот воситаларининг аксарияти Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритиши мумкин бўлса-да, сўз эркинлиги, уюшиш ва тинч йиғилишлар ҳуқуқлари қатъий назорат остига олинмоқда ва фуқаролик жамияти фаоллари ўзларининг тинч фаолияти учун қатағонларга дуч келмоқдалар.

2017 йил “[Биз сизни ҳар қандай жойда топамиз](#)” деб номланган ҳисоботда биз юқорида зикр қилинганга ўхшаш рақамли ҳужумлар ўзбекистонлик фаоллар ва журналистларнинг аксарияти хавф остига қўйган ва баъзи ҳолларда уларни мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур қилганини таърифлаб ўтганмиз.

Қўлингиздаги ҳисоботда яширин кузатувлар ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига нисбатан таҳдид бўлиб қолаётгани ҳужжатлар билан ёритади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фикр эркинлиги ҳуқуқи бўйича махсус воизи Дэвид Кайе давлатларни инсон ҳуқуқларининг қатъий қафолатлари ўрнатилгунга қадар ҳамда бундай амалиётлар тартибга солингунга қадар хусусий ишлаб чиқилган кузатув воситаларини экспорт қилиш, сотиш, ўтказиш, фойдаланиш ёки хизмат кўрсатишга шошилиш равишда мораторий қўйишга чақирди.

Amnesty ушбу чақирикни қўллаб-қувватлайди. [Махсус воизи айтганидек](#): “*Мақсадли кузатув технологияларидан фойдаланиш ва бошқариш учун кенг қамровли тизим бузилган деб айтиши етарли эмас. Чунки бу деярли мавжуд эмас.*”

Агар Сиз ушбу ҳисоботда келтирилганга ўхшаш ҳужумларга дуч келган бўлсангиз, илтимос, биз билан боғланинг:

share@amnesty.tech